



UNIVERSITÉ
de Cergy-Pontoise



СЕРЖИ-ПОНТУАЗ УНИВЕРСИТЕТИ
(Франция)
ВЕРСАЛЬ АКАДЕМИЯСИНИНГ ТАЪЛИМ ВА ПЕДАГОГИКА ОЛИЙ
МАКТАБИ
(Франция)
ВА
ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ
(Ўзбекистон)
ЎРТАСИДА ТАЪЛИМГА ОИД ҲАМКОРЛИК ТЎҒРИСИДА ҲАДЛИ
БИТИМ

Сержи-Понтуаз университети, университет президенти Франсуа ЖЭРМИНЕ вакиллигида, Сержи-Понтуаз шаҳри, Порт хийбони, 33-уй, 95011 cedex манзилида жойлашган (бундан кейин СПУ);

Версаль Академиясининг СПУ хузуридаги Таълим ва педагогика олий мактаби, директор Жак РЕНО вакиллигида, Сен-Жермэн-ан-Лэ шаҳри, Пастер кўчаси 5 уй, 78100 манзилида жойлашган (бундан буён ESPE)

бир томондан,

ва

Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети, университет ректори Ганишер Худайкулович РАХИМОВ вакиллигида, Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, Кичик халқа кўчаси 21А уй манзилида жойлашган (бундан буён ЎзДЖТУ)

иккинчи томондан

бундан буён “Томонлар”

қуйидагилар тўғрисида келишиб олдилар:

Муқаддима

Билимлар ва маданиятни кенг ёйиш мақсадида ESPE ва ЎзДЖТУ таълим, малака ошириш, илмий тадқиқот ва унинг натижаларини тадбиқ этиш

соҳаларида турли дастурларни амалга ошириш орқали ўзаро ҳамкорлик алоқаларини ўрнатиш тўғрисидаги хоҳиш-иродаларини ифода этадилар.

1-модда Битимнинг мақсади

ESPE ва ЎзДЖТУ ўзаро ҳамкорлик алоқаларини расман ўрнатадилар ва икки муассаса ўртасида таълим дастурларини ишлаб чиқишда ўзаро ёрдам, мутахассислар тайёрлаш ва илмий тадқиқот соҳаларида ўзаро алмашинувларни амалга ошириш орқали ушбу ҳамкорликни қўллаб-қувватлайдилар. Бу қуйидагиларда ўз ифодасини топади:

- бошланғич ва ўрта таълимда фаолият юритувчи француз тили ўқитувчиларини тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш;
- ўқитувчиларнинг малакасини ошириш билан шуғулланувчи тьюторларни тайёрлаш;
- француз тили ўқитувчилари ва малака ошириш курслари тьюторлари учун мўлжалланган инновацион педагогик ресурсларни ривожлантириш;
- ҳорижий тилларни ўқитиш соҳасидаги педагогик муаммоларга биргаликда ечим топиш мақсадида ҳамкорликда тўғарақлар юритиш;
- француз тили ўқитувчиларини тайёрлашга оид дастурларни биргаликда ишлаб чиқиш;
- француз тилини ўқитиш методикаси соҳасида изланишлар олиб бориш ва икки муассаса илмий йўналишларига оид семинар ва анжуманларни қўллаб-қувватлаш;
- икки муассаса ходимлари ва талабалари ўртасида ўзаро алмашинувларни йўлга қўйиш.

Ушбу битимдан келиб чиқувчи ҳамкорлик лойиҳалари томонларда мавжуд барча фанларга алоқадор бўлиши мумкин.

Келажакда ушбу битимни амалга оширишга қаратилган махсус битимлар ўзаро ҳаракатлар ва ҳамкорлик лойиҳаларини ва уларни амалга ошириш механизмларини аниқлаштиради. Шунингдек, мазкур битимлар ҳамкорликни олиб боришнинг маъмурий ва молиявий жиҳатларига ҳамда натижаларни баҳолашга оид қоидаларни шакллантиради.

2-модда Битимнинг амал қилиш муддати

Мазкур битим у имзоланган санадан бошлаб уч йил муддатга тузилади.

3-модда Битимнинг молиявий механизмлари

Мазкур битим икки томонга ҳеч қандай молиявий мажбуриятлар юкламайди. Икки томон ўртасида ушбу битимга оид ҳеч қандай ҳисоб фактуралар амалга оширилиши мумкин эмас. Томонлар ўртасида келгусида тузиладиган махсус битимларда, уларнинг мақсадидан келиб чиқиб, молиявий механизмларга оид масалалар қўйилиши мумкин.

4-модда Маълумотларнинг махфийлиги

Ҳар икки томон бошқа томондан мазкур битимни амалга ошириш доирасида оладиган ҳар қандай маълумотлар, ахборотлар ва ҳужжатлар махфийлигини сақлаш мажбуриятини олади.

Мазкур мажбурият иккинчи томонга аввалдан маълум бўлган ёки кенг оммага олдиндан таниш бўлган маълумотлар, ҳужжатларга нисбатан амал қилмайди.

Ҳар икки томон мазкур ҳамкорлик доирасида қўлланиладиган шахсий маълумотларни, хусусан талабаларга оид ахборотларни сақлашга ўзи масъулдир.

5-модда Нашр қилиш

Мазкур битим ва уни амалга оширишга қаратилган махсус битимлар натижасини ёки ноу-хоусини акс эттирувчи ҳар қандай нашр ёки коммуникация иккинчи томоннинг ёзма розилигисиз амалга оширилиши мумкин эмас. Бир томон иккинчи томонга шу масалада қилган сўроғига бир ой муддатда жавоб беради. Берилган сўровга бир ой ўтгандан кейин ҳам жавоб олинмаса, иккинчи томоннинг розилиги олинди деб ҳисобланади.

Нашр этиладиган маълумотларда ҳар икки томоннинг қўшган хиссаси қайд этилиши шарт.

6-модда Интеллектуал мулк

Ҳар бир томон иккинчи томонга бериладиган ҳар қандай билимнинг, унинг қандай шаклда бўлишидан қатъий назар, (маълумотлар, чизмалар, намуналар...) эгаси ҳисобланади.

Ҳар бир томон мазкур битим ва уни амалга оширишга қаратилган махсус битимларни амалга ошириш мобайнида ўзи мустақил эришган натижаларнинг эгаси ҳисобланади. Бундай натижаларни ҳаётга тадбиқ

қилиш ва уларни ҳимоя қилиш борасидаги қарорни чиқариш ҳукуқи натижаларнинг эгаси бўлган томонга тегишлидир.

Мазкур битим доирасида биргаликда эришилган натижаларга томонлар биргаликда эгалик қиладилар. Биргаликда эришилган натижаларни ҳимоя қилиш ва улардан фойдаланиш шартларини белгиловчи икки томонлама шартнома тузилади.

7-модда Номлар ва логотиплардан фойдаланиш

Томонлар ҳамкорлик тўғрисидаги маълумотларни чоп этишга иккинчи томонга ёзма розилик хати асосида рухсат берадилар.

Томонлар, шунингдек, ўзларининг интернет саҳифаларида иккинчи томоннинг логотипи ва интернет манзилини намойиш этиб бориш мажбуриятини оладилар.

8-модда Ҳамкорлик алоқаларини мувофиқлаштириб бориш

Ҳар икки томон мазкур битимнинг бажарилишини таъминловчи бўлим ва масъул шахсни тайинлайди.

СПУ ва ESPE томонидан:

Жаноб Люк ДАЛЬАРМЕЛИНА - Версаль академиясининг Таълим ва педагогика олий мактаби ҳалқаро алоқалар бўлими масъул ходими;

ЎзДЖТУ томонидан:

Патхиддин НИШОНОВ - Француз тили назарияси ва амалиёти кафедраси доценти.

Ушбу ҳамкорликнинг давомийлигини ва битимнинг тўлиқ амалга ошишини таъминлаш мақсадида томонлар келишилган муддат давомида қуйидагиларни бажаришни ўз зиммасига оладилар:

- Мазкур ҳамкорликка ва унинг бажарилишига оид бўлган маълумотларни ўзаро алмашиш;
- Мазкур ҳамкорлик натижаларини назорат қилиш;
- Зарур ҳолларда керакли тузатишлар киритишга оид ҳаракатларни амалга ошириш;

- Зарур бўлганда келгусида ҳамкорликни давом эттириш истикболларини кўриб чиқиш;
- Мазкур ҳамкорликдан келгусида амалга ошириш мумкин бўлган янги лойиҳалар ва ташаббусларни кўриб чиқиш.

Мазкур битимнинг муддати тугагандан кейин кўпи билан 6 ойгача бўлган муддатда натижалар бўйича якуний хулоса тайёрланади.

9-модда Битимга ўзгартириш киритиш

Мазкур битим бандларига киритилиши мумкин бўлган ҳар қандай ўзгартириш томонлар тузадиган ва имзолайдиган қўшимча келишув асосида амалга оширилади.

10-модда Битимнинг бекор қилиниши

Муддати тугаганлиги муносабати билан якун топишдан ташқари битим қуйидаги ҳолатларда бекор қилиниши мумкин:

- мазкур битим тўлақонли равишда форс мажор деб тан олинган ҳолатларда ўз кучини йўқотган ҳисобланади;
- мазкур битим бандларидаги талабларнинг бузилиши юз берганда махсус огоҳлантириш хати орқали бекор қилиниши мумкин;
- фавқулодда ҳолатлардан ташқари, СПУ, ESPE ва ҳамкор университетнинг, иккинчи томонни 6 ой олдин огоҳлантириш шарти билан, қарори билан;
- ҳар қандай ҳолатда, томонларнинг икки нусхада тузилган икки томонлама ёзма розилиги орқали.

Мазкур битим муддатидан олдин бекор қилинган тақдирда томонлар битимни амалга оширишга қаратилган махсус битимлар доирасида ўша ўқув йили учун олган ўз мажбуриятларини амалга оширишни таъминлайдилар.

11-модда Келишмовчиликлар ва уларни ҳал қилиш


Мазкур битимни талқин қилиш ва/ёки амалга ошириш билан боғлиқ ҳар қандай келишмовчилик ўзаро келишиш йўли билан ҳал этилиши лозим. Келишмовчиликка ечим топиш мақсадида томонлар мурасага келиш ва/ёки арбитражга мурожаат этишлари мумкин.

Агар келишмовчилик шунда ҳам ҳал этилмаса, ўзини ҳимоя қилувчи томон судга мурожаат қилади. Суд ҳимоя қилинувчининг қонунчилиги асосида иш кўради.

12-модда Битимнинг ҳақиқийлиги

Мазкур битим француз, инглиз ва ўзбек тилларида тузилди. Битимнинг инглиз тилидаги нусхаси устунликка эга.

Битим томонлар ҳар уч тилда биттадан нусхага эгалик қилишлари учун француз, инглиз ва ўзбек тилларида икки нусхада, жами 6 та асл нусхада имзоланди.

Сержи-Понтуаз университети президенти	Версаль Академиясининг Таълим ва педагогика олий мактаби директори	Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети ректори
Франсуа ЖЭРМИНЕ	Жак РЕНО	Ғафилер РАХИМОВ
Имзо сана  UNIVERSITÉ de CERGY-PONTOISE 13 boulevard du Port 95011 CERGY-PONTOISE Cedex Tel. 01 34 25 60 00	Имзо сана  Jacques RENAUD Directeur de l'ESPÉ de l'Académie de Versailles	Имзо сана  09.09.2018 